2007 ЙИЛ, 16 НОЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 229 (11.038)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

• **ҲАМЗА** туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Наво» вокал чолғу ансамбли қатнашчилари, «Сўғдиёна» рақс дастаси аъзолари иштирокида «Мумтоз санъат — фахримиз» мавзуида маънавий-маърифий давра суҳбати ўтказилди.

• **ЎТГАН** куни Тошкент Молия институти қошидаги академик лицейда «Ёшларнинг сиёсий партиялардаги ўрни» мавзуида ўтказилган давра суҳбатида ўқувчилар, ўқитувчилар ҳамда сиёсий партиялар фаоллари иштирок этишди.

• **КЕЧА** «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида жойлашган Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида уюштирилган давра суҳбати «Никоҳ ёшининг хусусияти» деб номланди.

• **КЕЧА** Тошкент Давлат авиация институти талабалар турар жойида талабалар ҳамда ёзувчилар, шоирлар иштирокида «Менинг азиз Ватаним» мавзуида учрашув уюштирилди.

• **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига қарашли 12-талабалар турар жойида «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси бўлими ташаббуси билан ташкил этилган ташвиқотчилар клуби аъзолари иштирокида тадбир ўтказилди.

• **ЭРТАГА** Тошкент тиббиёт академиясига қарашли академик лицей ўқувчи-ёшлар турар жойида «Менга халқимизнинг ишончи куч бағишлади» мавзуида ўтказиладиган давра суҳбати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида уюштирилади.

• **ЭРТАГА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида ўтказиладиган «Талабаликка бағишлов» байрам тадбири ва концерт томошасида биринчи босқич талабалари, ўқитувчилар иштирок этишади.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА ZAREXO МИЛЛИЙ КЎРГАЗМА КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН 3-ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШГАН «PHARMEXPO UZBEKLSTAN» КЎРГАЗМАСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**



*Кўргазмалар*

## ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Мазкур кўргазма Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти, «Дори-Дармон» АК, «Ўзфарм саноати» ДАК, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш илмий маркази ҳамкорлиги ва кўмагида ташкил этилди.

Кўргазмадан дори-дармон маҳсулотлари, витаминлар, қон ўрнини босувчи воситалар, эмлаш воситалари, ферментлар, аминокислоталар, биологик фаол қўшимчалар, дерматологик дорилар, бир марта ишлатишга мўлжалланган буюмлар, бинтлар, тиббий пахта ва жарроҳлик буюмлари, назорат ўлчаш ва мослаш аппаратлари, лаборатория жиҳозлари, ходимларни индивидуал ҳимоялаш воситалари, табиий ўсимликлардан тайёрланган дорилар, ўсимлик экстрактлари ўрин олган бўлиб, улар жаҳоннинг етакчи фармацевтик компаниялари томонидан таклиф этилмокда. Яъни халқаро кўргазмада ўзбек фармацевтика бозорида фаолият юритаётган 30 дан ортиқ, жумладан, Россия, Беларусь, Қозоғистон, Покистон, Ҳиндистон, Украина, Швеция, Хитой каби хорижий компания ва фирмалар ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқдалар.

— Бу каби кўргазмаларнинг аҳамиятли томони шундаки,— дейди биз билан сухбатда «Грин Гейт Трейдинг» компанияси вакили Абдурасул Ҳусанов, профессионаллар бизнес алоқаларининг кенгайиши ва бозорнинг маълум сегментида сотишга мўлжалланаётган маҳсулотларга талабнинг шаклланишига кўмаклашади. Бизнинг қўшма корхонамиз биринчи маротоба бундай кўргазмада иштирок этмокда. Компаниямизнинг нуфузи дунё миқёсида тан олинган бўлиб, Россия, Қозоғистон мамлакатларида ҳам ўзининг шохобчалари мавжуд. Умид қиламизки, корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифати, қулайлиги ва тез таъсир кўрсатиши билан мижозлар ишончини оқлайди ва уларга бўлган эҳтиёж янада ортади. Кўргазманинг асосий мақсади эса истеъмолчиларга фармакология соҳасидаги янгиликларни намойиш этищдан иборатдир. Халқаро кўргазмалар тажрибаси шуни кўрсатадики, айнан улар фармацевтика тармоғи корхоналари учун ўзларини намойиш этишнинг ва ютуқлари ҳақида бохабар қилишнинг энг яхши натижа берадиган усулларидан ҳисобланади. Биз ҳам бошқа фармацевтика корхоналари билан танишиш ва ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўляпмиз. Бундан, албатта, жуда ҳам мамнунмиз.



Умид қиламизки, ушбу халқаро кўргазма ҳам келажакда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва касалликларнинг олдини олиш борасида ўз ўрнига эга бўлади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: халқаро кўргазмадан лавҳалар.**

**Наталья Семёнова олган суратлар**

*23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни*

## САЙЛОВ — ОЛИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ М.АБДУСАЛОМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИГИ БИЛАН УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ. УЧРАШУВДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД МАМЛАКАТИМИЗ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ВАКИЛЛАРИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИ, ШУНИНГДЕК, УНИНГ ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРЛАР ХУСУСИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШ ЭДИ.**

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Таълим соҳаси вакиллари кенг жамоатчилик, биринчи галда, ёшларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг мазмуни ва аҳамиятини, демократиянинг асосий шарти бўлган эркин сайловлар, миллий сайлов қонунчилигимизнинг моҳиятини тушунтириб беришда муҳим ўрин тутади. Бу фаолиятнинг нечоғли самара беришини Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломовнинг ўтган ҳафтада ёшлар вакиллари билан бўлган учрашуви ҳам тасдиқлади.

Мулоқот чоғида бугун турли ўқув юртларида ҳар томонлама чуқур таълим олаётган, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида тарбияланаётган йигит-қизлар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ўзгаришларда, хусусан давлат бошқарувини ислоҳ қилишда фаол иштирок этишга интилаётгани яққол намоён бўлди. Бугунги ёшлар бўлиб ўтадиган сайловда уларнинг эркин хоҳиш билдириши мамлакатимизни ривожлантиришда нечоғли муҳим аҳамият касб этишини теран англайди. Буларнинг барчаси олимлар ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари одамлар, жумладан, ёшлар онги-шуурида демократик қадриятларни шакллантиришга катта ҳисса қўшаётганини яна бир карра тасдиқлайди.

Марказий сайлов комиссияси 22 нафар аъзосининг 3 нафари олий ўқув юртлари ректорларидир. 14 округ сайлов комиссияси раисларининг иккитаси ректорлардан сайланган. Бундан ташқари, олий ўқув юртларининг обрўли ва тажрибали вакиллари округ ҳамда участка сайлов комиссиялари таркибига киритилган. Олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва мактабларнинг замонавий биноларида сайлов участкалари жойлашган. Бир сўз билан айтганда, сайловни самарали ўтказишни таълим тизими вакилларининг бевосита иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Тадбирда иштирокчилар эътибори миллий сайлов қонунчилигимизнинг ўзига хослиги, хорижий мамлакатларнинг тегишли қонунчилигидан афзал жиҳатларига қаратилди. Масалан, Ўзбекистонда барча сайлов ва референдумларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун мустақил орган — Марказий сайлов комиссияси ташкил этилган. Айрим давлатлар, хусусан, Буюк Британия, Италия, Францияда бу вазифани Ички ишлар вазирлиги, Миср, Покистон ва Руминияда эса суд органлари амалга оширади. Ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишдан иборат Конституциявий тамойил мамлакатимиз сайлов тизимининг асосини ташкил қилади. Шу боис ҳар бир фуқаро сайловларда иштирок этиш ёки этмасликни ўз хоҳишига кўра эркин белгилайди. Баъзи хорижий мамлакатларда, мисол учун Бельгияда сайловларда қатнашиш мажбурий бўлиб, қатнашмаганлик учун жавобгарлик, жумладан, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этиш чоралари белгиланган. Бизда сайлов қонунчилигимизга биноан сайловлар умумий бўлиб, сайловчилар Президентликка номзод учун тўғридан-тўғри овоз беради. Айрим давлатлар, чунончи АҚШ ва бир қатор бошқа мамлакатларда сайловлар кўп поғонали, яъни билвосита амалга оширилади ва сайловчилар бевосита Президентни эмас, балки давлат раҳбарини сайлаш ҳуқуқи бериладиган шахсларни сайлайди. Туркияда эса давлат раҳбарини мамлакат парламенти сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг аниқ муддати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилгани сайлов қонунчилигимизнинг яна бир афзаллигидир. Хусусан, Асосий қонунимизнинг 117-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар тегишли равишда уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда, яъни декабрь ойининг учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 1994 йилда "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" махсус қонун қабул қилинган. Бундай қонун МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда қабул қилингани диққатга сазовордир. Буларнинг барчаси Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг нафақат умумэътироф этилган халқаро меъёрларга мослигини, балки унинг афзалликларини ҳам яққол тасдиқлайди.

*(Давоми 2-бетда).*

**ПОЙТАХТДАГИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИДА ЎН САККИЗИНЧИ НОЯБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУНГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВ ЎТКАЗИЛДИ.**

## БАЙРОҒИМИЗ ФАХРИМИЗ, ҒУРУРИМИЗ

Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбир "Байроғимиз фахримиз, ғуруримиз" деб номланди. Унда ёзувчи ва шоирлар, ўқитувчилар, мазкур академия тингловчилари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда байроғимизни асраш ва уни авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши лозимлиги қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафига чақирилган ҳарбий, таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган ёшлар ҳам давлатимиз байроғи олдида Она-юртни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, Ватанга муносиб фарзанд бўлишга тантанали қасамёд қабул қилишлари бежиз эмас, албатта.

Анжуманда Олий ҳарбий божхона институти тингловчилари томонидан тайёрланган адабий-маърифий дастур йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг мажлисида «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг ҳудудий-таркибий бўлинмалари томонидан ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.**

**• Тошкентда бўлиб ўтаётган биринчи Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бошланганидан буён томонлар ўртасида жами 430,5 миллиард сўмлик 507 та шартнома имзоланди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 8 ноябрдаги Фармойишига биноан мамлакатимизда 15 ноябрдан 15 декабргача «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» эълон қилинди.**

**• «Бутунжаҳон қандли диабетга қарши кураш куни» муносабати билан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда унинг Тошкент шаҳар Кенгаши биргаликда «Соғлом оила — миллат таянчи» мавзуида давра суҳбати ўтказди.**

**• Ўзбекистон Миллий академик драма театрида Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида юртимизда ўтказилган Саломатлик ойлиги якунларига бағишланган йиғилиш бўлди.**

**• Самарқанд шаҳрида Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ташкилоти — ISESCO ҳамкорлигида «Ўзбекистон — ислом дунёсининг бутун мутафаккирлари юрти» мавзуида халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.**

**• Тошкент Фотосуратлар уйида «Объективда — Польша» номли расмлар кўргазмаси очилди. «Зажева» поляк ёшлар маркази ва Тошкент Фотосуратлар уйи, Польша Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада икки нафар ёш фоторассом — Ника Пилипюк ва Гжегог Низёлнинг 80 га яқин асари намойиш қилинмоқда.**

**•Ўзбекистон Ёшлар театрида «Шэньсянь» Хитой эртагининг премьераси катта муваффақият билан бўлиб ўтди.**

**•Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Сурхондарё вилоятидаги мактаблар ўқувчиларига 100 миллион сўмлик спорт анжомлари туҳфа этилди. Шунингдек, Сариосиё туманидаги барча 39 та ўқув муассасаларида спорт заллари бунёд этилди ва реконструкция қилинди.**

### ЖАҲОНДА

**• Бугун Покистонда янги ҳукумат қасамёд қабул қилади.**

**• Данияда муддатидан олдин ўтказилган парламент сайловларида мамлакат бош вазири Андерс Фог Расмуссен бошчилигидаги «Венстре» либерал партияси кўпчилик овоз тўплади. Яъни «Венстре» 179 депутатлик ўрнидан 46 тасини эгаллаб Дания парламентидаги энг катта фракцияга айланди.**

**• АҚШ Конгрессининг қуйи палатаси мамлакат ҳарбий кучларини шу йилнинг 15 декабрига қадар Ироқдан олиб чиқиб кетиш ҳақидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Лойиҳани Вакиллар палатасининг 218 аъзоси қўллаб-қувватлади, 203 конгрессмен эса унга қарши чиқди.**

**• Шимолий ва Жанубий Корея сўнгги 50 йил мобайнидаги дастлабки товар поездлари қатновини йўлга қўйиш ҳақида келишиб олди. Улар икки мамлакат ўртасидаги темир йўл алоқасини тиклашга хизмат қилади.**

**• Францияда давом этаётган жамоат транспортлари ходимларининг иш ташлашлари мамлакатда кенг қулоч ёзмоқда. Ҳозирда Франциянинг 60 дан ортиқ шаҳарларида жамоат транспортларининг ҳаракати тўхтатилган. Мамлакат Президенти Николья Саркозининг пенсия борасидаги ислоҳотига норозилик билдираётган транспортчилар сафига шифокорлар ва талабалар ҳам қўшилган.**

**• Европарламент депутатлари Украина билан виза тартиби ва риадмиссияни соддалаштириш ҳақидаги битимнинг кучга киришига розилик берди.**

**• Чилида мамлакат пойтахти Сантьягодан 1250 километр узоқликда кучли зилзила содир бўлди. Зилзила марказида Рихтер шкаласи бўйича 7,7 баллик ер қимирлаши кузатилган бўлиб, зилзила оқибатида дастлабки маълумотларга қараганда, икки киши ҳалок бўлган, кўплаб бинолар қулаб тушган, иккита аҳоли пункти электр энергиясисиз қолган.**

**• Чеченистон Президенти Рамзан Қодиров ҳозирда яшириниб юрган жангарилар раҳбари Доку Умаровни таслим бўлишга чақирди. Бунинг эвазига Р.Қодиров ўзини «Ичкерия президенти» деб биладиган Умаровга тиббий ёрдам кўрсатиш ва судда айбининг енгиллаштирилишини ваъда қилган.**

**• Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида ҳаракатланаётган поезд чорраҳада турган икки автомобилни уриб юбориши оқибатида беш киши ҳаётдан кўз юмди, икки нафар йўловчи оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.**

# САЙЛОВ — ОЛИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИ

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Учрашув қатнашчилари Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир фаолияти билан ҳам таништирилди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганини эълон қилганидан сўнг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир календарь режа, ҳаракатлар дастури ҳамда бўлажак сайловга оид бошқа ҳужжатлар тасдиқланди. Ушбу ҳужжатлар округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини тартибга солади, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар фаолиятини ташкил этиш, сайлов кампаниясини молиялаштириш тартибини белгилайди ва бошқа масалаларни ҳал этади.

Учрашувда Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик ва адолатлилик принципларига тўлиқ амал қилаётгани, тадбирларни қонун ва календарь режада белгиланган муддатда ўтказишга алоҳида эътибор қаратаётгани таъкидланди. Бу борадаги ишлар сайлов тизимининг демократиклигини, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлашга қаратилган. Шу мақсадда 14 та сайлов округи, округ сайлов комиссиялари ва 8 мингдан ортиқ сайлов участкаси ташкил этилди. Сайлов комиссияларининг таркиби шакллантирилди.

Яқинда Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон халқ-демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар тақдим этилди.

Сайлов комиссияларининг барча мажлислари оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўтказилмоқда ва уларнинг фаолияти ҳақида ахборот аҳолига етказилмоқда. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари матбуот хизматлари фаол ишламоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнлари тўғрисидаги ахборот сунъий йўлдош орқали юздан ортиқ хорижий мамлакатларга узатилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси билан Миллий телерадиокомпания ўртасида Ўзбекистон Репсубликаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини холисона ёритиш бўйича битим имзоланди. Унинг доирасида сайловга тайёргарлик кўриш бўйича ўтказилаётган барча тадбирлар ҳақида сайловчиларга тезкор маълумот берувчи "Сайлов — демократия кўзгуси" деб аталган туркум кўрсатувлар ташкил этилди.

Учрашув амалий мулоқот, очиқ фикр алмашиш руҳида ўтди. Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов иштирокчиларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди. Саволлар, жумладан, сайлов комиссиялари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик принципларига қандай риоя этилаётгани, сайлов давомида сайлов қонунчилиги бузилиши мумкинлигининг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилаётгани, сайлов комиссияларининг давлат ҳокимияти органларидан мустақиллиги қандай таъминланаётгани, комиссиялар ўз фаолиятида илғор ахборот-коммуникация технологияларидан қай даражада фойдаланаётгани каби долзарб масалалар хусусида бўлди.

— Бўлиб ўтажак сайлов барчамиз учун ҳақиқий демократия мактаби бўлади, — дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети проректори К.Норқулова. — Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилган ушбу учрашув биз, таълим соҳаси ходимларига зиммамизга юкланган вазифа — ўз билим ва тажрибамиздан фойдаланган ҳолда, аҳолига ва албатта, таълим олаётган ёшларга миллий сайлов қонунчилигининг барча жиҳатлари ҳамда афзалликларини тушунтириш учун ўз масъулиятимизни янада теран англаш имконини берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови эркин ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган халқимиз, жамиятимиз ҳаётида янги саҳифани очиб беради. Бу борадаги ютуқлар эса аниқ ва равшан бўлиб, мамлакатимизда давлат раҳбари сайлови бўйича сайлов кампанияси очиқлик, ошкоралик шароитида, халқаро меъёр ҳамда андозаларга жавоб берадиган қонунларга тўлиқ амал қилинган ҳолда ўтказилаётгани бунинг яна бир ёрқин далилидир.

**Анна ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА «ҚОВОҚ САЙЛИ»

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ 2007 ЙИЛНИНГ «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ҚАНЧА ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРДИ. ХУСУСАН, ШУ ЙИЛНИНГ БОШИДА АКАДЕМИЯ «ОВҚАТЛАНИШ СИРЛАРИ», «СПОРТ ЭСТАФЕТАСИ», «САЛОМАТЛИК СИРЛАРИ» КАБИ ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИБ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ УЧУН МУҲИМ БЎЛГАН ОМИЛЛАРГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРДИ ВА ТАРҒИБ ЭТДИ.**







Академия жамоаси касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш ва одамларни касалликдан огоҳ қилиш амалий натижа бериши мумкинлигидан келиб чиққан ҳолда шундай тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ушбу тадбирлар талабалар учун ўтилаётган дарсларнинг амалий ва кўргазмали машғулоти сифатида фойдали эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Тиббиёт академияси биринчи босқичда умумий амалиёт шифокорларини тайёрлайди. Бу шифокорлар эса оилавий шифокор сифатида ҳар бир оилага кириб борадилар, шунинг учун ҳам умумий амалиёт шифокорлари юқори малакали шифокор сифатида катта салоҳият ва назарий билим ҳамда тажрибага эга бўлмоқликлари даркор.

Бу йил ҳам одатдагидек Тиббиёт академиясида анъанавий «Қовоқ сайли» тадбири жуда қизиқарли тарзда ташкил этилди. Моҳиятан олганда, «Қовоқ сайли»нинг асосий мақсади шундан иборатки, рационал овқатланишни ташкил этишда рационга қовоқда бўлган микроэлемент ҳамда витаминлардан унумли фойдаланишни талабаларга амалда ўргатиш. Маълумки, қовоқда инсон учун керак бўлган ўзига хос оқсиллар, витаминлар, ферментлар, тузлар, ёғлар уйғун бирлашганлиги туфайли осон ҳазм бўлади, танага тез сингади. Шу туфайли ҳам қовоқ болалар ва касаллар учун энг маъқул парҳез таом ҳисобланади.

Шифокорларнинг кузатишларига кўра, қайси мамлакатда қовоқ ҳар куни истеъмол қилинса, ўша мамлакатда узоқ умр кўрувчи инсонлар кўп бўлар экан. Қовоқнинг одамларни юрак-қон томир, ҳазм аъзолари, подагра, атеросклероз ва саратон касалликларидан сақлаши ҳам фанга маълум. Бундан ташқари, энг муҳими қовоқ инсон организмида қариш фаолиятини сусайтириш имкониятига эга.

Энди бевосита «Қовоқ сайли» тадбири хусусида тўхталадиган бўлсак, байрамда иштирок этаётган С.Раҳимов тумани ҳокими Б. Ҳакимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Э.Набиев, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими Р.Чориев, Тошкент Тиббиёт академияси ректори Ш.Каримов ва бошқалар бундай ўзига хос тадбирларнинг талабалар ҳаётидаги аҳамияти, умуман қовоқнинг инсон ҳаёти учун шифобахш томонлари хусусида тўхталиб ўтишди.

«Қовоқ сайли» байрамига ташриф буюрганлар тадбирнинг қанчалик пухта тарзда ташкил этилганлигининг бевосита гувоҳи бўлдилар. Хусусан, тадбирда иштирок этаётган Тиббиёт академиясининг вилоятлардаги барча филиаллари қовоқ сабзавотига тааллуқли бўлган илмий-амалий маълумотлардан фойдаланган ҳолда кўргазмалар тайёрладилар, йиғилганларга қовоқдан тайёрланган турли таомлар намуналари ва уларни янгича тарзда тайёрлаш усуллари кўрсатилди. Шунингдек, барча қизиқарли маълумотлар, қовоқнинг шифобахш хусусиятлари ўз аксини топган мақолалар ўрин олган махсус «Саломатлик ва қовоқ» номли «Тиббиётнома» академия газетаси илмий-оммабоп рисола сифатида кўп нусхада нашр этилиб, тарқатилди.

«Энг катта қовоқ учун», «Энг кичик қовоқ учун», «Энг яхши безатилган стол», «Энг кўп қовоқ олиб келган ташкилот», «Энг тотли қовоқ десертлар дастурхони учун», «Энг кўп қовоқ таомлари ассортименти учун», «Энг мазали қовоқ дастурхони учун» ва бошқа кўплаб номинациялар бўйича кўрик-танловлар ўтказилиб, танловнинг барча ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан тақдирланди. Хайрли анъанага кўра жуда шифобахш таом ҳисобланувчи ширқовоқлар танлови ҳам ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда Тошкент Тиббиёт академияси ташаббуси билан уюштирилган «Қовоқ сайли» байрами давомида қовоқнинг инсон ҳаёти учун доимий муҳим сабзавот эканлиги уқтирилиб, унинг барча шифобахш хусусиятлари амалда намойиш этилди. Тадбир давомида академиянинг «Адреналин» ижодий гуруҳи қовоқ ҳақидаги қизиқарли ҳангомаларни саҳнада ижро этди. Турли-туман викториналар, лотерея ўйинлари ўтказилиб, байрам иштирокчилари бир олам руҳий озиқ олдилар. Таниқли эстрада хонандаларининг чиқишлари эса тадбирга ўзгача файз-таровват бағишлади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ,**
**Қутбиддин НИЗОМОВ.**

**СУРАТЛАРДА: Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси томонидан ташкил этилган анъанавий қовоқ сайли байрам тадбири мана шундай сермазмун тарзда ўтди.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

**Мискин ҳарис олам аро тинмайин юрар:**
**Ул ризқнинг изидин, ажал онинг изидин.**

* * *

**Оч қўшнунгнинг уйига борибон ўт тилама-**
**Ки, уйи тунглукидин чиқғони дуди дилдур**

* * *

**Кимки роҳатда ўткарур ҳолин,**
**На билур очларнинг аҳволин.**
**Очлар ҳолин ул киши билғай –**
**Бошиға очлик ғами келғай.**

* * *

**Сўзунгға ғарра бўлма ширин деб,**
**Анга нодонлар айласа таҳсин.**

* * *

**Фазлинг ар йўқ эса, они билгил –**
**Ки, сўз айтурға очма ҳаргиз тил.**
**Одамини тил этгуси расво,**
**Очма оғзингни, бўлма бепарво.**

* * *

**Біровким, эрур одати рост сўз,**
**Хатосин доғи чин этарлар гумон**
**Ва агар ёлғон айтурда чиқса оти,**
**Билур чин сўзин ёлғон аҳли жаҳон.**

* * *

**Ҳар ғамеким, охири бўлғуси хуррамликғаам,**
**Яхшидур ул шодлиғдинким, сўнггида борғам.**

### КАРАМНИНГ МАДҲИНИ БАЁНИДА

**Дило, ҳар киши ёзса хони карам,**
**Бўлур номдори жаҳони карам.**
**Карам номдори жаҳон айлагай,**
**Карам комгори замон айлагай.**
**Карам мояи шодмони бўлур,**
**Карам ҳосили зиндагони бўлур.**
**Карам ортида дунёда кор йўқ**
**Ва мундин иссиқ ҳеч бозор йўқ.**
**Карамдин бори эл дилин тоза тут,**
**Жаҳонни саходин пуровоза тут.**
**Бағишлашда бўл доимо мустақим[112] –**
**Ки, жонни яратқувчи бордур карим.**

### САХОВАТНИНГ СИФАТИ БАЁНИДА

**Саховат қилур некбахт ихтиёр –**
**Ки, кимса саходин бўлур бахтиёр.**
**Қилиб лутфу эҳсон, жаҳонгир бўл!**
**Саховатнинг иқлимида мир бўл!**
**Саховатдур аҳли басират иши,**
**Саховат бўлур яхшининг варзиши.**
**Саховат эмиш айбға кимё ,**
**Саховат бори дардларға даво.**
**Чу қодир эсанг, айлағайсан сахо –**
**Ки, етгай улуғлуқ саходин санго.**

### БАХИЛНИНГ МАЗАММАТИ БАЁНИДА

**Бахил молиға қилма бир илтифот,**
**Бахил молининг отин айтмоқ уёт.**
**Бахил арчи моли билан бўлса бой,**
**Чекар хорлиқ, ўйла пулсиз гадой.**
**Карам аҳли молин егай ҳосилин,**
**Бахиллар егай олтунининг ғамин.**

### ТАВОЗЕЪНИНГ СИФАТИ БАЁНИДА

**Тавозеъ гар этсанг, дило, ихтиёр,**
**Бўлур халқи дунё сенга дўстдор.**
**Тавозеъ кишини қилур сарбаланд,**
**Тавозеъ улуғлардин ўлгой писанд.**
**Тавозеъ кишини эса одати,**
**Улуғ бўлғучи ортибон давлати.**
**Кишиким, они давлати бор эрур,**
**Тавозеъ андин топиш яхшидур.**
**Тавозеъ сени айлағай аржуманд ,**
**Улуғлар қошида ўлурсан писанд.**
**Халойиқдин этма тавозеъ дариғ,**
**Тавозеъдин эт бўйнунг андоққи тиғ.**
**Тавозеъ улуғлардин ўлғай гўзал,**
**Гадо гар тавозеъ этар, ул ўсал.**

### ТАКАББУРНИНГ МАЗАММАТИ БАЁНИДА

**Такаббурдин албатта қил ўзни пок –**
**Ки, бир қўлидин ўлурсан ҳалок.**
**Такаббур улуғдин ўлур нописанд ,**
**Қилур кам муни ким эса хушманд .**
**Такаббур бўлур одати жоҳилон,**
**Улуғлардин ўлмас такаббур аён.**
**Такаббур Азозилни хор айлади –**
**Ки, лаънат чоҳиға дучор айлади.**
**Кишини такаббур эса хислати,**
**Тўла бўлғуси бошида фикрати .**
**Такаббур ямонларни(нг) бўлғай иши,**
**Такаббур бўлур зоти нокас киши.**
**Чу билдинг, такаббур нега айлағунг?**
**Хато айлағунг ва хато айлағунг.**

**СИДҚИЙ ХОНДАЙЛИҚИЙ**
**ТАРЖИМАЛАРИ**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР
ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВБАТДАГИ АУКЦИОНИГА МАРҲАМАТ!

**Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўрозбоев кўчаси 1-а уй манзилида, нархлари ошиб бориш тартибида, 2007 йилнинг 18 декабрь куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

| Т/Р | Мулк номи | Бошланғич нархи (сўм) | Суд ижрочиси | Суд органи Ижро хужжати № | Манзили |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "Супер салон" русумли, д/р 10 AQ 040, 1997й и/ч техник соз | 7 800 000 | Тошкент шаҳар, Миробод тумани суд ижрочилари бўлими | Тошкент шаҳар хўжалик судининг 02.07.2007йилдаги, 10-0710/5732-сонли ижро варақаси | Ўзгўшт сутсаноат уюшмаси, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 97а-уй. |
| 2 | "ВАЗ-21061" русумли, д/р 10 AX 968, 1996й и/ч техник носоз | 2 351 000 | | | |
| 3 | "Дамас" русумли, д/р 10 AX 971, 1996й и/ч техник носоз | 4 275 000 | | | |
| 4 | "ГАЗ-31029" русумли, д/р 10 VZ 822, 1995й и/ч техник носоз | 1 344 000 | | | |
| 5 | "ДЭУ Матиз" русумли, д/р 30 P 4979, 2006й и/ч техник соз | 7 500 000 | | ЖИБ Шайхонтохур туман судининг 27.07.2007йилдаги, 1-495/2007 сонли ижро варақаси | Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот маркази |

Автортранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов филиалидаги МФО: 00901, ИНН: 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ 228-7952 ТЕЛЕФОНИ ВА WWW.RKMB.UZ САЙТИДАН ОЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГАСИЗ.**

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ 2007 ЙИЛ 18 ДЕКАБРЬ КУНИ СОАТ 11.00ДА ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ МУЛКЛАРНИ ҚЎЙМОҚДА.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2007 йил 21 июндаги 7750/3, 7768/24, 7767/24, 7769/24-сонли, 2007 йил 9 апрелдаги 4235/15-сонли, 2007 йил 10 майдаги 5595/3-сонли ва 2007 йил 8 майдаги 5565/3-сонли ижро ҳужжатларга асосан тақдим этилган «TURON-MARKAZQURILISH» АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани Олтинкўл кўчаси, 26-уй манзилда жойлашган, база бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси— 583 395 000 сўм.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2007 йил 21 июндаги 7750/3, 7768/24, 7767/24, 7769/24-сонли, 2007 йил 9 апрелдаги 4235/15-сонли, 2007 йил 10 майдаги 5595/3-сонли ва 2007 йил 8 майдаги 5565/3-сонли ижро ҳужжатларга асосан тақдим этилган «TURON-MARKAZQURILISH» АЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани Олтинкўл кўчаси, 26-уй манзилда турган, КБ-308 русумли башенный кран. **Бошланғич баҳоси— 18 929 000 сўм**

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида жойга чиқиб қуриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р.20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. Тел. 138-69-94,138-69-93. Лицензия DB001-000010.

«Uz CousuL» масъулияти чекланган жамияти устав фондининг 44.000.000 (қирқ тўрт миллион) сўмдан 2.200.000 (икки миллион икки юз минг) сўмга камайтирилганини эълон қилади.

Эътирозлар бир ой ичида 155-22-55 телефони орқали қабул қилинади.

Ҳамза туманидаги «Егай коммунал сервис» ХУЖМШ, «Зиё Нур коммунал сервис» ХУЖМШга айлантирилди. Даъволар 2 ой муддатгача 294-89-87 телефони орқали қабул қилинади.

*Азиз ва меҳрибон дадажоним*
*СОТВОЛДИ МИРЮСУФОВИЧ!*

***Сизни 15 ноябрда муборак ва қутлуғ 60 ёшга тўлганингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Дадажон, азиз бошингиз омон бўлсин, доимо соғ-саломат юринг деб бувижоним, адажон, ойижон, аммаларим Башорат, Дилафрўз, Дилфуза, амакиларим Мирсобир, Миромил, Мирхолиқ, Мирдавлат, Улуғбек, кеннойим Муқаддас, жиянингиз Баҳромжон ва набираларингиз Мухлиса, Шаҳризода, Муслима, Асрор ва Жалолиддин номидан набирангиз***

**Мирюсуф (Юсуфбек)**

